Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (13.090)

Баҳоси эркин нархда

Эътироф

МАҲАЛЛА САМАРАЛИ БОШҚАРИШ МАҚСАДЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Испаниянинг "Atalayar" газетасида "Ўзбек маҳалласи — зарур институт" сарлавҳали мақола чоп этилди.

Ушбу нашр Осиё мамлакатларида кечадиган замонавий жараёнларни ўрганишга ихтисослаштирилган. Мақола муаллифи — **Сан Пабло Мадрид университети профессори Антонио Алонсо Маркос** маҳалла феноменини таҳлил этар экан, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни ҳақида атрофлича фикр юритган. Қайд этилганидек, ушбу ноёб институт асрлар давомида самарали бошқариш мақсадларига хизмат қилиб келмоқда.

"Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг маҳалла маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик органи сифатида қайта тикланди. Унинг мақоми Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланди".

Муаллиф маҳалланинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, мазкур институтнинг ижтимоий вазифалар мажмуини ҳал этиш, жамиятда эзгу қадриятларни асраш, баркамол авлодни тарбиялаш ва жамоат тартиб-қоидаларини қўллаб-қувватлашдаги иштирокига юқори баҳо берган.

"Бугун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ўн мингга яқин фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари аҳоли томонидан икки ярим йил муддатга сайланади. Ҳар бир фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари аҳоли билан доимо ҳамжиҳатликда иш юритади. Маҳалла аҳлоқий ва маънавий қадриятлар қўллаб-қувватланиши ҳамда уларнинг мустаҳкамланишида ҳам алоҳида ўринга эга. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми самарали ишламоқда. У ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятларини намоён этиш, юзага келган масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини беради", деб ёзади профессор.

Мақолада ижтимоий соҳадаги давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этишда фуқаролар йиғинлари қўшаётган салмоқли ҳисса алоҳида таъкидланган. Маълум қилинганидек, Ўзбекистонда ҳар бир йилни долзарб аҳамият касб этадиган муайян ижтимоий йўналишга бағишлаш бўйича яхши анъана амал қилаётир.

"Масалан, 2015 йил кекса авлод вакилларига ғамхўрлик қилишга бағишланди. Бу йил эса мамлакатда "Соғлом она ва бола йили", деб номланди. Давлатнинг бу йўналишдаги кенг қамровли саъй-ҳаракатларини ҳаётга жорий этишда маҳалла муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, у турли авлод вакиллари иштирокида спор беллашувлари ва маданий танловларни ўтказиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳам борган сари фаол қатнашмоқда. Бундай ишлар маҳаллаларда тинчлик ва ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлаш ҳамда оила институтини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда", деб ёзади эксперт.

"Жаҳон" АА.
Мадрид

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов олган сурат

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ватанни севиш, унга чин дилдан хизмат қилиш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчидир. Боболаримиз издошлари бўлган мустақил диёримиз ўғлонлари сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида миллий армиямиз сафида хизмат қилишни ўзлари учун шараф ва фахр, деб билмоқдалар.

Кузатиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Тоштемиров, Миробод тумани ҳокими Ш.Қодиров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон профессионал тайёргарликка эга, яхши таъминланган, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиямиз шаклланганини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, аскарлик либосини кийиб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олган йигитларга оқ йўл тилашди.

— Муддатли ҳарбий хизматга йигитларни танлашда чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва маънавий савияси, армияда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг муҳим бурчи эканини нечоғли ҳис этиши пухта синовдан ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Каромат Каипназаров. — Зеро, миллий армиямиз сафларини жисмонан кучли, иродали, ҳар томонлама соғлом ва интеллектуал салоҳияти юксак аскарлар билан тўлдириш ғоят масъулиятли вазифадир.

— Барча йигитлар сингари мен ҳам болалигимдан ҳарбий хизматга боришни орзу қилардим, – дейди Мирзо Улуғбек туманидан ўз йигитлик бурчини ўташга отланган Акром Имомбердиев. – Тиббий текширувлардан муваффақиятли ўтдим. Давлат тест маркази ходимлари иштирокида ўтган синовда ҳам юқори балл йиғишга муяссар бўлдим. Мамлакатимизда биз, ёшларнинг замонавий билим олишимиз, эркин касб танлашимиз учун кенг шароитлар яратилган. Ватаннинг тинчлигини асраш, унинг ривожи ва барқарорлиги йўлида камарбаста бўлиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

— Ватанимизнинг тинчлигини сақлашда ўғлимнинг ҳам ҳиссаси қўшилишидан жуда мамнунман, — дейди фарзандини кузатаётган Учтепа туманида истиқомат қилувчи Шуҳрат Ҳикматиллаев. — Ўғлимни ҳарбий либосда кўриб, қувончим ичимга сиғмаяпти. Жасур, мард ўғлонларимиз юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида хизмат қилишларини, соғ-саломат бўлишларини тилаб қоламан. Хизматни эсон-омон тугатиб, юзимизни ёруғ қилган ҳолда бағримизга қайтсин.

Кузатув маросимида куй-қўшиқлар янгради. Муддатли ҳарбий хизматга йўл олган чақирилувчиларга эсдалик совғалари топширилди. Ҳарбий хизматни шарафли бурч деб билган йигитларга мудофаа ишлари бошқармаси, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар оқ йўл тилади.

Зиёда РАСУЛОВА

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда экологик назоратининг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, ташкилот, муассасалар, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари иштирок этди.

Табиатни муҳофазалаш, ер ости ва ер усти бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланишда экологик назорат юритиш муҳим ўрин тутади. 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни бу йўналишдаги ишларни тизимли асосда амалга оширишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Давра суҳбатида давлат, идоравий, ишлаб чиқариш экологик назоратини ташкил этиш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари, ишлаб чиқариш корхоналари тизимида экологик хизматларнинг фаолиятини такомиллаштириш хусусида фикрлашилди.

Мазкур йўналишда пойтахтимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан маълум қилишларича, бугунги кунда пойтахтимиздаги икки юздан ортиқ корхона ва ташкилотлар идоравий экологик назоратни амалга ошириш мақсадида тегишли лабораториялар билан шартнома тузган. Ҳар бир корхона, ташкилот, йирик саноат иншоотида ишлаб чиқариш экологик назоратини юритадиган махсус хизматлар ташкил этилган.

Тадбирда идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини юритишнинг замонавий тамойиллари, давлат экологик назоратини юритишда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўрнига оид маърузалар тингланди. Бир қатор йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш экологик назорати юритиш борасида орттирилган илғор тажрибалар оммалаштирилди.

(ЎзА)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий қисмларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳарбий қисм қўмондонлигининг олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномаси учун давлат тест синовларини топширди.**

● **Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг 2016 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури доирасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда филиалда дастурлаш ва телекоммуникация соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда моддий-техник базани такомиллаштириш, янги ўқув-илмий лабораториялар ташкил этиш, хорижий мамлакатларда малака оширишга юборириладиган ўқитувчилар сафини кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.**

● **Навоийда "Алишер Навоий ижоди ва маънавий тараққиёт масалалари" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Навоий давлат педагогика институти, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.**

● **Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида капитал таъмирдан чиқарилган маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ердаги "Дўстлик чамани" ашула ва рақс ансамблида 40, тасвирий ва амалий санъат, бадиий гимнастика, эстрада, рақс, мусиқа тўгаракларида 100 га яқин ёшлар билим ва кўникмасини оширмоқда.**

ЖАҲОНДА

● **Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилаётган саммитда 130 та давлат ҳукуматлари вакиллари давлат муассасалари фаолиятини яхшилаш бўйича ўзаро тажриба алмашадилар. Мунозараларда таълим ва иқтисодиётнинг эртанги куни, технологиялар ва соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши каби мавзулар қамраб олинади.**

● **Чилининг жанубий қисмида жойлашган Сан-Хавьер шаҳрида ҳаракатланаётган поезднинг автомобиль билан тўқнашиб кетиши натижасида олти киши ҳалок бўлди. Ҳозирда ҳалокат жойида полиция ходимлари ишламоқда, улар тўқнашув сабабларини аниқлашга киришдилар.**

● **Малайзияда рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 5 мингга яқин киши 13 та ёрдам кўрсатиш марказларига кўчирилди. Тошқинлардан айниқса, Тенгах райони аҳолиси кўпроқ жабрланган бўлиб, бу ерда 3 мингдан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолди.**

МАҚСАДИ АНИҚНИНГ ЙЎЛИ ҲАМ ОЙДИН

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йилларда ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дунё иқтисодиётида юз бераётган иқтисодий инқироз туфайли кўплаб мамлакатларда катта-кичик корхоналар таназзулга юз тутиб, минглаб иш ўринлари қисқармоқда. Бизда эса миллий иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бермоқда. Энди ўз бизнесини йўлга қўяётган тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, уларнинг узоқ вақтгача барча солиқлардан озод этилиши дунё миқёсидаги жуда камёб ҳодисадир.

Буни тўғри англаган юртимиз тадбиркорлари ҳам ўз фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга интилмоқда. Учтепа туманида 2001 йилда ташкил этилган "Kimyofarminvest" хусусий корхонасида ҳам бу борада қатор ютуқларга эришилмоқда. Дастлаб корхона хориждан келтирилган кимёвий реактивлар, хомашёлар, кимё лабораторияларига асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг улгуржисавдоси билан шуғулланган бўлса, эндиликда ўзи ишлаб чиқармоқда.

— 2015 йилдан бошлаб кимёвий маҳсулотларнинг бир неча турини тайёрлашни бошладик, — дейди корхона директори, кимё фанлари номзоди Ҳаит Ҳасанов. — Уларга электр энергетика, нефть-газ, кимёсаноат, фармацевтика соҳаларида талаб юқори. Қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилаётган ферамон тутқичлари фермерларга манзур бўлаётир. Маҳсулот ҳажмини янада ошириш учун Россия Федерациясидаги ҳамкорларимиз билан музокаралар олиб борилмоқда. Трактор ва юк ташиш машиналари, темир йўл поездларида ишқорли аккумуляторлар кенг қўлланилади. Мазкур аккумуляторларни асосини ишқорий электролитлар ташкил қилади. Ҳозир корхонамиз ушбу ишқорий электролитларни барча турдагисини ишлаб чиқаряпти. Хом ашёнинг бир қисми маҳаллий корхоналардан олинса, айримлари Хитой ва Россия давлатларидан олиб келинмоқда.

Корхона маҳсулотлари қисқа вақтда барча вилоятларга, хусусан, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Қашқадарёда ўзининг харидорини топди. Шу кунларда кимё соҳасидаги бошқа зарурий жиҳозлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида янги лойиҳалар борасида изланишлар, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мисол учун, Қозон шаҳридаги корхоналар билан ҳамкорликда енгил ва юк ташиш машинлари учун антифириз ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Ушбу маҳсулотни қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари ўтказилмоқда.

— Эл-юрт, ватанимиз тараққиётига оз бўлсада ҳисса қўшаётганимдан ғурурланаман, — дейди Ҳ.Ҳасанов. — Ҳар қадамда эътибордан, яратилаётган имтиёзлардан қалбим юксалади. Тижорат мақсадида асбоб-ускуналар олиб келганимизда ҳам айрим маҳсулотлар учун божхона ва солиқ тўловларидан озод этилган эдик. Ишлаб чиқаришни бошлагач, эътиборни янада кўпроқ ҳис этмоқдаман. Бизнес-режа тайёр бўлса, қисқа фурсатда имтиёзли сармоялар олиш ҳам мумкин. Ўзимиз ҳам бир неча йилдан буён Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Сергели филиали билан ҳамкорликда ишлаётирмиз.

Ҳозир ўндан зиёд ёшлар меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ҳисобига яна ўнлаб иш ўрни яратиш, маҳсулотларнинг сони ва ҳажмини кўпайтириш мўлжалланмоқда. Бунда маҳсулотларни экспорт қилиш, валюта тушумини ошириш ва ёшларимизни бандлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб олинган.

Ҳа, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юксалиши йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ишбилармонларнинг мақсади сари интилиб, ҳаётдан завқланиб яшашига замин яратмоқда. Инсон қилган меҳнатидан роҳатланса, жамиятга наф келтирса, ўзини бахтлилар қаторида кўради. Бахтли инсонлар яшаётган мамлакат эса ҳар жиҳатдан юксалиб, дунё эътирофига сазовор бўлаверади.

Зиёда ВОҲИДОВА



Илғор технологиялар — давр билан ҳамнафас

Бандлик дастури — амалда

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратганини таъкидлади.

2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди. Бу ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини тўлиқ жалб этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар юксак самаралар бераётганининг яққол тасдиғидир.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида ҳам ушбу йўналишда тегишли ишлар амалга оширилаётир.

– Марказда банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича изчил ишлар бажарилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига марказ директори Нурали Норбоев. – Бу борада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йили марказ кўмагида 910 киши иш билан таъминланди. Бу жараёнда марказга мурожаат қилганларнинг маълумоти, иш стажи, касби ҳамда уларнинг истаклари ҳисобга олинмоқда. Масалан, улар Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази курсларида бепул ўқимоқда. Бу ерда сартарошлик, тикувчилик, бухгалтер, ошпаз-қандолатчи, иш юритувчи, бўёқчи, электрик, электр ва газ пайвандчи, компьютер ва уяли телефонларни таъмирлаш устаси каби 25 касбга ўқитилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги ўнта коллеж билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тўрт томонлама шартнома тузиш кенг жорий этилаётгани самарасида жорий йилда таълим муассасалари битирувчиларининг аксарияти иш билан таъминланади. Ҳозирча ишга жойлашмаган битирувчилар рўйхати Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига юборилмоқда. 2015 йилда касб-ҳунар коллежларининг марказга мурожаат қилган 126 битирувчиси ишга жойлаштирилди.

Марказ янги иш ўринларини ташкил қилишга ҳам ҳисса қўшмоқда, давлат ва хусусий корхоналар, ташкилотлар билан бу борада яқин ҳамкорлик қилмоқда. Мирзо Улуғбек тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази маълумотларига қараганда, шу йилнинг дастлабки ойи якунларига кўра, тумандаги 366 ташкилот ва корхонада 1361 бўш иш ўрни мавжуд. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг кенгайтирилаётгани, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган фирмалар кўпайиб бораётгани ҳам бу борада ижобий самара бераётир.

Тошкент давлат аграр университетини битирган М.Одилов тўрт йил ичида иш жойини бир неча марта ўзгартирган. Шу вақт давомида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис ўз касби бўйича ишламаган. Бинобарин, ўз билим ва салоҳиятини рўёбга чиқариш имконига эга бўлмаган. Мирзо Улуғбек тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилгач, унга бир неча бўш иш ўрни таклиф этилди. Бугунги кунда у ташкилотлардан бирида ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилмоқда.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яратишга доир комплекс чора-тадбирлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани самарасида янги иш ўринлари яратилмоқда, халқимиз фаровонлиги юксалмоқда.

Р.БОНДАРЧУК

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БЎЛАЖАК ТАДБИРКОР — КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежида "Бўлажак тадбиркор – келажакка пойдевор" деб номланган семинар ўтказилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда юртимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, қизиқиши қобилиятига кўра касб-ҳунар ўрганишига аҳамият қаратилаётгани алоҳида эътироф этилди.

— Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ва ёшларнинг аниқ мақсадга қаратилган таклиф ва режаларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришда "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳаларининг ҳам аҳамияти беқиёс, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Ўқувчиларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка бўлган қизиқишларини ошириш, бу борадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Семинарда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, имтиёзли кредитлар ва бизнес режалар тўғрисида маърузалар тингланди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

* * *

Касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, давлатимиз томонидан ёшларни ушбу соҳада яратилаётган кенг имкониятлар билан таништириш мақсадида Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежида "Менинг бизнес ғоям" лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

"Камолот" ЁИҲ Миробод туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази томонидан ташкил этилган тадбирда тумандаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг мингга яқин битирувчиси ўз бизнес ғояси билан иштирок этди. Танлов учун энг яхши бизнес режалар танлаб олинди.

— "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва қатор тижорат банклари ҳамкорлигида коллежлар ва академик лицейлар битирувчилари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес ғоям" танлови битирувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ўз бизнес фаолиятини йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди "Камолот" ЁИҲ Миробод туман Кенгаши раиси Саидрасул Саидханов.

Мурожаат қилган ёшларнинг лойиҳалари ўрганилмоқда ҳамда "Ёш тадбиркор" консультатив маркази томонидан уларнинг ғоялари мустаҳкамланиб, маълумотлар берилиб янги бизнес ғоялар, бизнес режалар тузиб чиқилмоқда. Тошкент темир йўл касб-ҳунар коллежида ўзининг инновацион, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида қабул қилинган ғоялари билан келгусида иқтисодиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшишни режалаштирган ёшлар талайгина. 3-босқич ўқувчилари Рисолат Маҳкамованинг Ўзбекистонда янгича шифобахш совун воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда Жавоҳир Чориевнинг чиқиндини қайта ишлаш корхонасини ташкил этиб, экологияни яхшилаш борасидаги ғоялари давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасига қаратилаётган имкониятларнинг кенглигидан далолатдир.

Зарина РУСТАМОВА

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 11 январдаги 11-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини тацкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Н.Норбаев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Қ.Икромов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Мирзо Улуғбек тумани тармоқ администратори (М.Алимов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirzoulugbek.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Бакиев зиммасига юклансин.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Ш.Ахмедов

2016 йил 19 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2015 йил якунлари ва 2016 йилдаги вазифаларига бағишланган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маданият ва спорт ривожига қаратилаётган эътибор туфайли 2015 йилда ҳам ушбу соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилганини таъкидлади.

2015 йили театрларимиз томонидан 11 мингдан ортиқ спектакль, "Ўзбекцирк" республика бирлашмаси томонидан 800 га яқин томоша дастури тайёрланиб, халқимизга намойиш этилди. Маданият саройларида 104 мингдан зиёд маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, ҳайвонот боғлари, музейлар томонидан ўтказилган маърифий тадбирлар ёш авлодда катта қизиқиш уйғотди. Юздан ортиқ маданият ва аҳоли дам олиш маркази, ўттиздан ортиқ маданият ва истироҳат боғи таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

"Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивали, "Баҳор симфонияси", "Ёшлик баҳори" каби концертлар мамлакатимиз ва халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилди. Ўзбекистон бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси томонидан ташкил этилган ранг-баранг концерт дастурлари кўплаб истеъдодли ёшларнинг юзага чиқишига кўмаклашди.

Аҳолини, айниқса, ёшларни спортга жалб этиш изчил давом эттирилди. Қарийб саккиз минг оммавий спорт тадбири, соғломлаштириш акциялари, қизиқарли лойиҳалар, мусобақалар ўтказилиб, уларга 1,6 миллиондан ортиқ иштирокчи қамраб олинди. Спортчиларимиз уч юзга яқин халқаро мусобақада иштирок этиб, 311 олтин, 274 кумуш, 276 бронза медални қўлга киритди.

Йиғилишда 2016 йилда маданият ва спорт соҳасини янада ривожлантириш учун бир қатор ишларни амалга ошириш, айниқса, қизларни кўпроқ спортга жалб этиш, истеъдодли ёшлар сафини янада кенгайтириш юзасидан истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳодиев сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири



Оқил Ғуломов олган суратлар

ЯНГИ ДАВОЛАШ УСКУНАСИ ЎРНАТИЛДИ

Тошкент шаҳар онкология диспансерига брахитерапия усулида даволашда қўлланиладиган замонавий радиотерапия аппарати олиб келинди.



Германияда ишлаб чиқарилган ушбу ускуна ёрдамида йигирмага яқин аъзодаги хавфли ўсмаларни самарали даволаш мумкин.

– Брахитерапия бир қатор йўналишлардаги малакали мутахассислар ҳамкорлигида амалга оширилади, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар онкология диспансери бош шифокори ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Одил Абдураҳмонов. – Тиббиёт муассасамизда бунинг учун илмий ва моддий-техник салоҳият етарли. Бир гуруҳ шифокорларимиз хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтди. Халқаро ҳамкорликни изчил давом эттириш, илм-фанимиз салоҳиятини янада ривожлантириш йўлида илмий ва амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бу мамлакатимизда онкологик касалликларни самарали даволаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг изчил давомидир. Бугунги кунда Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари онкология диспансерлари янги бинода фаолият кўрсатмоқда. Аксарият диспансерларда радиология бўлимлари ташкил этилган. Онкология соҳасида ягона электрон ахборот базаси шакллантирилган. Ушбу тизим онкологик хасталикларга чалинган беморларни ҳисобга олиш, уларга ташхис қўйиш, даволаш ва кузатиш ишларида узвийликни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш мақсадида аҳоли орасида скрининг ишлари ҳам кучайтирилаётир. Хусусан, аёллар орасида кенг тарқалган ўсма касалликлари профилактикаси бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкил этилиши натижасида касалликни эрта аниқлаш ва самарали даволашга эришилмоқда.

Б.ХИДИРОВА

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

Учтепа туман ҳокимлигида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб "Маънавиятимиз сарчашмаси, шеъриятимиз даҳоси" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАСИ

Туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда адабиётшунос олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, 10 дан зиёд умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий янгиланишлар жараёнида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, унинг инсоният тараққиётига қўшган оламшумул ҳиссасини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шоир асарларида энг гўзал ва пок туйғулар юксак маҳорат билан ифодаланган. Буюк зот яратган ҳар бир ижод намунаси ўсиб келаётган баркамол авлод дунёқарашининг камол топишида ва юксалишида муҳим ўринга эга.

Тадбирда мактаб ўқувчиларининг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилиб, Навоий ижоди бўйича баҳру байт ва шоир ғазалларидан намуналар тингланди. Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган деворий газеталар танлови ўтказилди.

— Алишер Навоий асарлари маънавий теранлиги, маъно ва мазмунга тўлалиги ҳамда бадиий юксаклиги билан халқ мулкига айланган, – дейди 238-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зумрад Шодиметова. – Неча асрлар ўтсада, шоир ижоди ҳозир бунёд бўлгандай ўз мазмун-моҳиятини йўқотмай тураверади. Жорий йилдан ўқувчиларга шоир ғазалларидан парча айтиб, унинг мазмунини тушунтириб бериш орқали адабиёт дарсини бошлашни анъанага айлантирганман.

Тадбир давомида мактаб ўқувчиларининг ўз қўл меҳнати асосида яратилган миллий ҳунармандчилик, заргарлик, каштачилик, бисер намуналари намойиш этилди.

Замира РАҲМОНОВА

НАВОИЙ ИЖОДИ ТАРБИЯ МАНБАИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Навоий асарларидаги ғояларнинг ёшларни эзгулик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда навоийшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, партиянинг "Истиқбол" ёшлар қаноти, "Ёш сиёсатчилар" клуби аъзолари, ўқувчилар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аждодларимизнинг бой маънавий мероси асосида ёшлар маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Алишер Навоий асарлари маънавий қуввати, инсонпарварлик ғояларига йўғрилгани билан аҳамиятли. Улар асрлар мобайнида инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илм-маърифатга чорлаб келмоқда. Халқимиз учун чексиз фахрифтихор тимсоли бўлган шоир ижоди улкан тарбиявий манбадир. Ёшларимиз бу асарларни иштиёқ билан ўрганаётгани, мазмун-моҳиятини қалбига жо этаётгани қувонарли.

Тадбир давомида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, дунёқараши, билим ва тафаккурини кенгайтириш орқали жамиятнинг фаол, ўзининг мустақил фикри ва позициясига эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, бу борада Навоий асарларининг тарбиявий аҳамиятидан унумли фойдаланиш хусусида таклиф ва тавсиялар билдирилди. Шоир ғазалларидан намуналар тингланди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ЁШЛАР

Айни кунларда Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан "Соғлом она ва бола" йили муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш ва ёшларни соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан жойларда тадбирлар, давра суҳбатлари ва соҳа мутахассислари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Оналик ва болаликни асраш, соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш борасида олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишлари инсон ҳаётида муҳим омил саналади.

Тадбирларда эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлигига салбий таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парвариши хусусида малакали мутахассислар томонидан керакли маслаҳатлар, йўриқномалар бериб борилмоқда.

Юнусобод туманидаги компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, Соғлом турмуш тарзи" мавзуидаги тадбир ҳам ана шу мақсадларни қамраб олган ҳолда ўтказилди.

Тадбирда шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти услубчи шифокори Ш.Сиддиқова, тумандаги 52-оилавий поликлиника шифокорлари Г.Каримова, Д.Юлдашева "Сил касаллигининг юқиш йўллари", "Яқин қариндошлар орасидаги никоҳларнинг олдини олиш", "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари" мавзуларида маъруза қилдилар.

Шунингдек, тадбир давомида тиббий маданиятни ошириш, турли касалликларни олдини олиш, ўсмир қизлардаги гигиена, рационал овқатланиш ва камқонлик, болалар парвариши каби мавзуларда ҳам сўз борди.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши, ёшларимизнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади, — дейди "Колонов" номли компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Нурбек Тожибоев. — Зеро, истиқболи порлоқ, келажаги нурафшон фарзандларимизнинг саломатлиги ҳар нарсадан устундир. Ўтказилаётган ҳар қандай тадбир замирида инсон камолоти, бахту саодати ва бахтиёр ҳаёти мужассам. Биз ўқув муассасамиз жамоаси номидан шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ходимларига ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдирамиз.

Тадбир доирасида мутахассис шифокорлар ўқувчиларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоб бериш баробарида, уларни соғлом турмуш тарзига риоя қилишга, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтиш ва ўз саломатликларига эътибор билан қараш зарурлигини қайд этиб ўтди.

Дарҳақиқат, шифокор мутахассислар томонидан ёшлар саломатлигини асраш борасидаги тушунтиришлар ва маслаҳатлар баркамол авлод соғлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Шаҳар онкология диспансерида бўлиб ўтган тадбир ҳам шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳаммамизга маълумки, сўнгги йилларда онкологик касалликлардан ўпка, меъда, тери, жигар ва простата бези, тухумдон, сут бези, оғиз бўшлиғи, бош мия ўсмалари кўп учрамоқда.

— Инсон организмида ўсма олди касалликларини ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва ташхисни тўғри қўйиш ҳафли ўсма ривожланишини олдини олади, — дейди Тошкент шаҳар онкология диспансери радиология бўлими мудири Илҳом Маматқулов. — Бугунги кун тиббиётида ўсма касалликларини барвақт аниқлаш имконияти мавжуд. Бунинг учун биринчи навбатда ушбу касалликнинг симптомларини тўғри талқин қилиш керак. Шунингдек, хавф гуруҳига эга бўлган фуқароларни эрта аниқлаш, уларнинг назоратини олиб бориш ва даволаш, замонавий тиббий усулларни қўллаш энг асосий вазифаларимиздан биридир. Радиология бўлимимизда республикамизда ягона бўлган, ташқи нур, ички нур ва яқин масофали нур терапия аппаратлари мавжуд. Биз шифокорлар ушбу аппаратлар ёрдамида ҳафтасига 180 нафар беморларни даволаш имконига эгамиз. Инсонлар соғлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ҳар бир шифокорнинг муқаддас бурчидир.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети

Қуйидаги педагог ходимлар учун бўш ўринларга танлов эълон қилади:

№	Кафедра номи	Кафедра мудири	Профессор	Доцент	Катта ўқитувчи	Ассистент (ўқитувчи)
ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ						
1	Иқтисодиёт ва маркетинг				1	
2	Менежмент		1	1	1	
3	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги		1	1	3	
4	Иқтисодиёт назарияси			1		
5	Хорижий тиллар			1	1	2
ГЕОЛОГИЯ ВА КОНЧИЛИК ИШИ ФАКУЛЬТЕТИ						
